



ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИНИ ОЛИБ ҚОЧИШ ЖИНОЯТИ ОБЪЕКТИНИНГ ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ

Адашбаев Атхам Акрамович

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Академияси Жиноят ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7192295>

ARTICLE INFO

Received: 01st October 2022

Accepted: 05th October 2022

Online: 13th October 2022

KEY WORDS

транспорт воситаси, олиб қочиш, жиноят объекти, талон-торож, ғараз мақсад, жамоат хавфсизлиги, жамоат тартиби.

ABSTRACT

Ушбу мақолада Транспорт воситасини олиб қочиш жиноятининг объекти юридик таҳлил қилинган бўлиб, таҳлиллар натижасида транспорт воситасини талон-торож қилиш мақсадида олиб қоочишни, талон-торож мақсади бўлмагани ҳолда олиб қочишдан дифференциация қилишга оид муаллифлик таклифи ишлаб чиқилган.

Қилмишга жиноят-ҳуқуқий баҳо бериш, жиноят қонуни нормаларини тўғри қўллаш учун, унинг қандай ижтимоий муносабатларга тажовуз қилганлиги, яъни унинг объектив белгиларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Жиноятнинг объектив белгилари унинг объекти ва объектив томонидан иборатдир.

Жиноят объекти жиноят ҳуқуқи назариясининг бугунги кунга қадар энг кўп таҳлил қилинган, ўз ўрнида энг долзарб соҳаларидан ҳисобланади [1 Б.40]. Объект латинча «objectum» сўзидан олинган бўлиб, «нарсасубъектга қарама-қарши бўлган ҳамда инсоннинг амалий ва билиш фаолияти қаратилган объектив реаллик» маъносини билдиради [2 Б.77].

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят қонуни билан қўриқладиган ижтимоий муносабатлар жиноят объекти ҳисобланади. Мазкур нуқтаи назар умумэтироф этилган ва юридик адабиётларда етарлича тадқиқ

қилинган ва асосланган. Жиноят қонунда акс эттирилган барча жиноят қайсидир ижтимоий муносабатларга зарар етказиши, аниқроғи ижтимоий муносабатларга зарар етмайдиган жиноят мавжуд эмас. Аммо жамиятдаги барча ижтимоий муносабатлар жиноят объекти ҳисобланмайди. Р.Кабулов таъкидлаганидек, бузилиши жамиятга жиддий хавф туғдирувчи ижтимоий муносабатлар жиноят қонуни билан муҳофаза этилади.

Жиноят натижасида доимо маълум бир объектга тажовуз қилинади. Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятнинг объекти жиноят қонуни билан қўриқладиган ижтимоий муносабатлар бўлиб, жиноят натижасида уларга зарар етказилади ёки шундай зарар етказиш хавфи келтириб чиқарилади.

М.Х. Рустамбаевнинг фикрича жиноят объекти деганда, жиноий тажовуз қаратилган ва ана шу тажовуз орқали унга зарар етказилиши мумкин бўлган



ижтимоий муносабатлар тушунилади [3 Б.180]. Мазкур тушунча умумий бўлиб, Жиноят кодекси Махсус қисмидаги барча жиноятларга хосдир.

Транспорт воситасини олиб қочиш жинояти Жиноят кодексидаги кўп объектли жиноятлардан бири бўлиб, жиноят ҳуқуқи назариясида мазкур жиноят объектини аниқлаш бўйича ягона тўхтам мавжуд эмас.

Л.Р. Аветисяннинг фикрича транспорт воситасини олиб қочиш жиноятнинг асосий бевосита мулк ҳуқуқи бўлиб, транспорт воситасидан фойдаланиш қўшимча бевосита объекти ҳисобланади [4 Б.81].

Фикримизча, ушбу таъриф Россия Жиноят кодексининг конструкциясига хосдир, чунки транспорт воситасини олиб қочиш жинояти мазкур кодекснинг “Ўзгалар мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятлар” бобида жойлашган.

Л.Г. Шайбазяннинг фикрича, транспорт воситасини олиб қочиш жинояти натижасида жабрланувчининг мулкига тажовуз бўлганлиги сабабли, жиноятнинг асосий бевосита объекти мулкий муносабатлар ҳисобланади [5 Б.19].

М.Х. Рустамбаевнинг фикрича, транспорт воситасини олиб қочиш жиноятининг объекти йўл ҳаракати соҳасидаги механик транспорт воситалари ҳаракатининг хавфсизлиги, шунингдек, ўзгалар мулки ҳисобланади [6 Б.19].

Бизнингча, транспорт воситасини олиб қочиш (ЖК 267-модда) жиноятининг умумий объекти шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният

хавфсизлигини жинойи тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатдир. транспорт воситасини олиб қочиш жиноятининг *махсус объекти* жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар, турдош объект транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар, *бевосита объекти* транспорт воситасининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Ўз ўрнида транспорт воситасини олиб қочиш бевосита объекти асосий бевосита, қўшимча бевосита ва факультатив бевосита объектлардан иборат. Асосий объекти механик транспорт воситасилари ҳаракати хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, қўшимча бевосита объекти ўзгалар мулки дахлсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, ўзганинг транспорт воситаси зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб эгалланганда ўзганинг соғлиғи ёки ҳаёти дахлсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади (ЖК 267-м. 2-қ. “в” б.).

Фикримизча, транспорт воситаси талон-торож қилиш мақсадида олиб қочилганида асосий бевосита объект ўзганинг мулки дахлсизлиги муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар бўлади ва бундай ҳоллар қилмишни ўзганинг мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятлар бобида жойлашган моддалар билан



квалификация қилиш мақсадга мувофиқ. Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят кодексига “Ўзгалар мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятлар” бобида жойлашган моддаларнинг предмети транспорт воситаси ҳисобланмаслиги, белгиланган.

Юқоридагиларга асосан, ўзганинг транспорт воситаси талон-торож қилиш мақсадида олиб қочиш билан боғлиқ ҳолатларни, жиноят содир этиш усулидан келиб чиқиб, ўғрилик, талончилик ёки босқинчилик ва ҳ.к. сифатида квалификация қилиш ва ЖК 267-моддани қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

267-модда. Транспорт воситасини олиб қочиш

Транспорт воситасини олиб қочиш — беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этилган бўлса, — ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) ўта хавфли рецидивист томонидан;

б) уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бўлса, —

ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

References:

1. Хасанов Т.Х. Ўғрилик учун жиноий жавобгарлик ва олдини олиш: ю.ф.ф.д. (PhD) дис. ... – Т., 2019. – Б. 40.
2. А.Мадвалиев. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: – Т., 2019. – Б. 77 бет.
3. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик – Т., 2016. – 180 б.
4. Л.Р. Аветисян. К вопросу об объекте неправомерного завладения автомобилем или иным транспортным средством без цели хищения // Вестник Челябинского государственного университета. 2009, № 15 Право. Вып.19. С. 81-84.
5. Л.Г. Шайбазян. Правовые меры борьбы с угоном транспортных средств: (уголовно-правовой и криминологический аспекты)/ дисс. к.ю.н., Ташкент. 1997. С.19.
6. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм/ М.Рустамбоев. –Тошкент: Yuridik adabiyotlar publish 2021. 148 б.